

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Меҳнат  
қилсанг,  
кўксинг тоғ,  
Хурмат қилсанг,  
дилинг боғ.

Ўзбек халқ мақоли



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 16-yanvar, shanba № 4 (8237) ISSN 2010-6416

## УСТОЗ САЛОЖИЯТИ

Yanvar – Tarix  
va huquq fanlari oyligi

шоғирдлар  
камолида  
кўринади

Тарих сабоқлари истиқбол учун пойдевор бўлса, инсон ҳукуклари ҳам бевосита унинг эртаси, келажагига дахлдордир. Шунинг учун ҳам бу икки соҳа ҳар бир инсон ҳаётида мухим ўрин тутади. Айни пайтда юртимиз умумтаълим мактабларида тарих ва ҳуқук фанлари ойлиги қизғин давом этмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 227-мактабда ҳам ушбу фан ойлиги катта тайёргарлик билан бошланиб, қизиқарли тарзда ўтказилипти.

Мактабда 815 нафар ўқувчи бўлиб, уларга 50 нафар ўқитувчи таълим-тарбия берил келмоқда. Барча фанлардан тўғракларнинг фаолият кўрсататигани эса билим даргоҳида ҳақиқий билимга чанқоқ ўқувчиларнинг кўллигидан далолат беради.

Ана шундай иқтидорли, барча фанларга қизиқадиган ўқувчиларга албатта ўқитувчилар ҳам дарс ўтиб чарчашибади. Илғор устозлардан бири, тарих фани ўқитувчиси Гулнора Тўрахонова 18 йилдан бўён ушбу фаннинг сирли олами билан ўқувчиларни танишириб келмоқда. Унинг ўқувчилари ҳам устозларининг изидан бориб, бу фан билан жиддий шуғулланади. Зоро, уч йилдан бўён улар фан олимпиадасининг шаҳар босқичида тарих фанидан пешқадамликни кўлдан бермай келишяпти.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



## САНЪАТ ҚАЛБГА ЭЗГУЛИК УЛАШАР

Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида санъатнинг етти тuri бўйича 223 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Бу ерда мусиқа йўналишида кўп ишлар тажрибага эга 34 нафар муаллим анъанавий ижрочилик, фортепиано, ўзбек халқ чолгуси, торли асбоблар ва бошқа йўналишларда машгулотлар олиб бормоқда. Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари «Келажак овози», «Янги авлод» каби вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-тапловларда муваффақиятли иштирок этиб келаётир.

Суратларда: мусиқа ва санъат мактаби ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.



ГАЗЕТАНИ  
ВАРАКЛАГАНДА:

МАКТАБДАГИ  
ИЛК  
МУВАФФАҚИЯТ  
келгуси ютуклар  
пиллапояси

3-бет

КЎФИРЧОҚ-  
ЛАРНИ  
«ГАПИР-  
ТИРАЁТГАН»  
ЛОГОПЕД

5-бет

OLTI QISMLI  
DARS

uning har bir  
daqiqasidan unumli  
foydalanildi

7-бет

ЖУРЪАТ ВА  
МАСЬУЛИЯТ  
МУВАФ-  
ФАҚИЯТИ

11-бет



...Мактабда навбатдаги дарсга кўнгирик чалинди. Синфа кириб келган ўқитувчины пайқамасдан дафтарига математик хисоб-китобларни берилиб ёзётган Моҳиранинг ҳар бир ҳаракатини муаллима диққат билан кузатди-да, партага яқин ёелиб, «Ассалому алайкум», деди. Моҳира чўчиб бошими кўтардии, хижолат чекиб ўрнидан турди.

— Кечиринг, устоз!

— Математика фани ўқитувчишининг қизи ҳам математикага қизиқиши табий ҳол экан, — деди бошлангич синф муаллими Малика Назарова. — Мактабимиз раҳбарияти фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадада иштирок этишининг айтиши. Кўши мактабда келаси якшанда куни ёладиган синовда намунали натижага эришасан деб умид киласман...

Эндиғина биринчи синфда ўқиётган қизалоқ гарчи олимпиаданинг мақсад-моҳиятини уччалик тасаввур қила олмаса ҳам, ўз иқтидорини намойиш этиш зарурлигини англаб етди.

— Албатта, уйда дадам билан яна бир бора хисоб-китоб амалларини бажарамиз.

— Унинг дадаси ёрдам беради, — орқа партада ўтирган Сардор дилидагини айтди-кўйди.

— Олимпиадада дадаси ёнида бўлмайди-ку, ўзининг билими баҳоланади, — жавоб берди муаллима.

Келаси якшанинг келиши жуда чўзилиб кетди. Моҳира ҳар куни ўқиётган қизалоқ гарчи олимпиаданинг мақсад-моҳиятини уччалик тасаввур қила олмаса ҳам, ўз иқтидорини намойиш этиш зарурлигини англаб етди. Келаси якшанинг келиши жуда чўзилиб кетди. Моҳира ҳар куни ўқиётган қизалоқ гарчи олимпиаданинг мақсад-моҳиятини уччалик тасаввур қила олмаса ҳам, ўз иқтидорини намойиш этиш зарурлигини англаб етди.

Фан олимпиадасидан қуво-

ниб қайтган қизалоқни синфдошлари ўраб олди.

— Биринчилликни олибсан, табриклимиз.

— Табриклиман Моҳира...

Бу меваффакият Моҳиранинг келгуси ютуқларига илк пиллапоя ва замин бўлганлигини ифтихор ва фарх билан гапиради.

Мактабда олинган чукур билим ва ихлос Моҳиранинг давлат университетига математика йўналиши бўйича ўқишига етаклади. У олий ўкув даргоҳида ўзининг зеҳнлилиги билан ўқитувчilar эътиборига тушди. Жамоат ишлари-

## МАКТАБДАГИ ИЛК МУВАФФАҚИЯТ

### КЕЛГУСИ ЮТУҚЛАР ПИЛЛАПОЯСИ

да тиришқоқ ва фаол талаба изланишдан чарчамасди. Бакалаврлик босқичини тутагтган Моҳира Ваисова университетининг магистратура бўлимида «Математик таҳлил» мутахассислиги бўйича таҳсил олганида ҳам қийналмади. Ундаги ноёб қобилиятдан гоҳида ўқитувчilar ҳам таажжубланишарди.

— Математикага қизиқиши Моҳиранинг қонида бор эди, — дейишиди собик ўкувчisi ҳақида фарх билан гапирган ўқитувчilar. — Шовот туманинг 9-мактабда ўқиб юрганида унинг ютуқлari, эришган меваффакиятлari билан фархланардик. Бугун ҳам шу фарх бизни тарк этмаган. Ўкувчимизнинг илмий ишларини давом этитиштанини ўзининг изшитиб кувониб юрамиз.

2003—2007 йилларда Урдунинг «Функциялар назарияси» кафедрасида асистент-ўқитувчи вазифасида ишлади, — дейишиди М. Ваисова. — Педагогик фаолиятим давомида «Математик анализ», «Комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси», «Эҳтимоллар назарияси» фанларида дарс берганман. Шу билан бирга плюригармоник давом қўлдириш масалалари бўйича илмий тадқиқот иши олиб бордим. 2007 йилда олий ўкув юртинг «Математик таҳлил» ихтисослиги бўйича аспирантурага қабул килиндик. Шунингдек, 2007—2011 йилларга режалаштирилган OT-F1-047-сонли «С [п хп] умумлашган матрицавий тесисида аналитик функциялар назарияси» лойиҳасида иштирок этаяпман.

шиорига айлантириб олган. Кўзланган ниятига етгунича тинчимайди. Таълим муассасамиздаги ёшларни ўзининг издан эргаштираётir.

Моҳира Ваисова «Тўғри чизиклар дастасида берилган функцияларни аналитик давом қилдириш» мавзуси устида илмий иш олиб бораяпти. Мазкур мавзу бўйича турли ҳалқаро ҳамда мамлакатимиз миқёсида ўтказилган анжуманларнинг доимий иштирокчиси ёш тадқиқотчи яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига лойиқ деб топилди. Иқтидор соҳибасининг илмий изланишлари илмий нашрларда чоп этилмоқда.

Ёш олима ҳаётини жисмоний машқларсиз тасаввур этолмайди. Шу боисдан ҳам ҳами-

ша спорт мусобақаларининг голиби бўлиб келаётir. Кизининг ютуқларга эришишида отаси — таҳрибали ўқитувчи Давлатбой Ваисовнинг маслаҳатлари мухим ўрин тутаётгани сир эмас. Болалигидан онгига нақш мисол ўйилган билим бугун фарзанди учун омад ва шараф келтираётганидан ота беҳад мамнун.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ўз имкониятларни шакллантиришлари учун қулагаро шароитлар яратиб берилган, — дейишиди нуроний педагог Давлатбой ота. — Бизнинг давримизда бундай имкониятлар қайди эди. Умримни ёш авлод тарбиясига бағишилади, фарзандлариминг аксарияти ота қасбини ардоклашайти. Ўғилқизларим комил инсонлар бўлиб вояга етганлигидан, юртимиз равнақига нафи тегаётганинидан жуда хурсандман.

Пиру бадавлат оиланинг отахони ҳар кун кечкурун хонадон аҳли жам бўлган пайтада фарзандларига ибратли ҳаёт йўли ҳақида мароқ билан сўзлайди. Мустақилликнинг имкониятларини қадрлаш, юртимиз шаънини олиму фузалолар ошириши хусусида, илм олишининг фойдаси ва камолоти ҳақида гапиради. Кексалар сўзи олтиндан қимматлигини билган фарзандлар отанини жимгина, сукут сақлаб ёхтиром билан эшишишади. Бу оиланинг мустаҳкамлигидан, аҳиллигидан далолат. Қисқаси, отанинг фарзандлари ота насиҳатига амал қилиб, элда кам бўлишмайти.

**Феруза  
ТАНГРИБЕРГАНОВА,  
“Ma'rifat” мухбари**

Қадим Кармана туманида ажойиб бир мактаб бор. Бу жамоага ҳамиша кўпчиликнинг ҳаваси келади, тажрибаларини ўрганишади.

Нега? Қишлоқнинг бир бурчидаги жойлашган илм масканида не сир-синоат борки, туман, вилоят, республика миқёсидаги турли танловларнинг иштирокчилари мазкур гўшадан саралана-ди. Республика босқичигача қатор довонларни забт этиб борган даргоҳ муаллимларининг вакиллари пойтахтдан «Энг яхши фан ўқитувчиси» сифатида тан олиниб, юzlари ёруғ бўлиб қайтишади...

Бу каби далилларни таҳлил этим бўлсак, албатта бир хулоса, тўхтамга келамиз: меваффакиятларнинг гарови жамоа аҳлининг яқдиллиги, қайсики муаммо, вазифа кун тартибига кўндалди кўйилса, ечимига бир тану бир жон бўлиб киришишидек оқилона туумидадир.

Мактаб биносининг умуммиллий давлат дастури асосида қайта реконструкция қилиниши аҳил жамоага янада кўтаринки кайфият ато этди. Синфхоналари нозик дид билан замонавий андозаларга мос равишда жихозланди. Иш режалари қайта кўриб чиқилиди. Тўгараклар фаолиятига алоҳида ургу бера бошланди. Бу каби ижодий изланишлар, албатта ўқиши ва ўқишишади ишларнинг самарадорлигига ўз тасирини ўтказди. Шунингдек, мактабда ички назорат мониторинги ташкил этилган бўлиб ҳар ой, чорак давомида таҳлил этиб борилади. Туман миқёсида ташкил этилган ташкил назорат мониторингида эса муассасанинг сифат кўрсаткичи 80,5 фоиздан юқори. Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларининг турли босқичларидаги иштироки ҳам ибратли. Ўтган ўкув иили-Д. Кодирова, З. Абдурахмонова сингари зуко ўқувчилар билимлар баҳснинг вилоят босқичида, Комил Муртозаев эса республикадаги тенгдошлари орасида фарҳли ўринларни кўлга киритиши. Илм масканинг умидли ёшлари ўқувчилар ўтасида ўтказиладиган «Яшил чироқ», «Ўйла, изла, топ»

теледастурларида, «Кувноқ стартлар» спорт мусобақаларида бир неча бора фаол иштирок этиши.

— Биз тажрибали мураббийларимиз ишини оммалаштиришга катта эътибор қаратамиз, — дейишиди мактаб директори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқтаълими ходими, олий тоифали математика фани ўқитувчиси Гулчеҳра Саторова. — Чунки ёш ўқитувчilarга наимуна, ибрат, йўналиш, кўмак ниҳоятда мухим. Биз бунда семинар-тренинг, очик дарслар ташкил этиш, плакатлар чиқариш, рисола, кўлланма, буклет, тавсиялар чоп этитиш, матбуот орқали чиқишлар уюштириш каби услублардан фойдаланамиз. Унутмаслик керакки, ўқитувчи ҳамиша методик ёрдамга эҳтиёж сезади. Ишланиш,

урганишлар унинг ўз услубини яратишига замин яратади. Шу маънода, биз методистнинг мавжуд 9та услубий гурӯх раҳбарлари билан мунтазам суратда иш олиб бориши, ўз навбати-

ражали «Софлом авлод учун» ордени соҳибаси Гулбаҳор Шаропованинг фидойилиги, педагоглик маҳорати хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлини дид. Негаки бу хушмуомала, ширинсўз,

ўз касбининг моҳир устаси бўлган муаллиманинг бевосита раҳбарлигига ДТС ва модернизация қилинган ўкув дастурларининг учинчи босқичини амалга ошириш бўйича 5—9-синфларда меҳнат фанидан вилоят миқёсида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Ўқитувчининг «Фикрларни чархлаш» усули худуддаги педагоглар томонидан сабокларда самарали кўлланмоқда.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласи ҳам мактаб жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Шу мақсадда ташкил этилган 17та фан тўгараги, бта спорт секциясига йигит-қизларнинг етмиш фоиздан ортиги жалб этилган. Ўқувчиларнинг саксон фоиздан зиёдори мактабдан ташқари таълим муассасаларида ганҷкорлик, зардўзлик, ўймакорлик,

бешикчилик, тикувчилик сингари тўғракларга қатнашмоқда.

Албатта, ўзлаштиришнинг сифати ва самарадорлиги ўқувчиларнинг нечоғлилар дарслар билан таъминланган лигига ҳам боғлиқ. Мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг тўғри йўлга кўйилганини, ота-оналарнинг фидойи жамоага ишониб, уларнинг эзгу амалларини кўллаб-куватлаётганини бу борада ҳам ўз самарасини кўрсатаяпти. Шу тариқа дарслар ташкил этаияти.

«Ийлиниг энг яхши мактаби — 2009» танловининг вилоят босқичида Голибликни кўлга киритиб, навбатдаги доонни забт этиш учун яна астойдил меҳнат қилаётган яқдил жамоа «Миллий дастур — менинг дастурим». «Давлат таълим стандарти — давр талаби», «Аттестация — давр талаби» сингари ҳаракатдаги дастурлари доирасини кенгайтириб, янгидан-янги ижодий уринишларга кўл урмоқда. Асосий мактаб эса битта — ҳар тононлама етук баркамол авлодни тарбиялаб, уларга пухта билиб берив, мустақил ҳаётга — юрт хизматига йўллаш.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**



## 2010-yil — Barkamol avlod yili

Moҳира ўзи ҳақида бошқа гапирмайди. Камтарин, роҳатни меҳнат қилишида, изланишда деб билади.

— Моҳира математикани ҳамма нарсадан устун кўяди, — дейишиди иқтидорли ёш олима ҳақида Урганч давлат университети «Функциялар назарияси» кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди Рўзимбой Мадраҳимов. — Ҳаёт унинг учун изланиш ва фақат изланишдан иборат. Илмини бойитишни ўзининг қалб

шабабини олиб келаётir. Кизининг ютуқларга эришишида отаси — таҳрибали ўқитувчи Давлатбой Ваисовнинг маслаҳатлари мухим ўрин тутаётгани сир эмас. Болалигидан онгига нақш мисол ўйилган билим бугун фарзанди учун омад ва шараф келтираётганидан ота беҳад мамнун.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ўз имкониятларини шакллантиришлари учун қулагаро шароитлар яратиб берилган, — дейишиди нуроний педагог Давлатбой ота. — Бизнинг давримизда бундай имкониятлар қайди эди. Умримни ёш авлод тарбиясига бағишилади, фарзандлариминг аксарияти ота қасбини ардоклашайти. Ўғилқизларим комил инсонлар бўлиб вояга етганлигидан, юртимиз равнақига нафи тегаётганинидан жуда хурсандман.

Пиру бадавлат оиланинг отахони ҳар кун кечкурун хонадон аҳли жам бўлган пайтада фарзандларига ибратли ҳаёт йўли ҳақида мароқ билан сўзлайди. Мустақилликнинг имкониятларини қадрлаш, юртимиз шаънини олиму фузалолар ошириши хусусида, илм олишининг фойдаси ва камолоти ҳақида гапиради. Кексалар сўзи олтиндан қимматлигини билган фарзандлар отанини жимгина, сукут сақлаб ёхтиром билан эшишишади. Бу оиланинг мустаҳкамлигидан, аҳиллигидан далолат. Қисқаси, отанинг фарзандлари ота насиҳатига амал қилиб, элда кам бўлишмайти.

**Феруза  
ТАНГРИБЕРГАНОВ**

ЎЗБЕК ЕРНИ, ТАБИАТНИ СЕВАДИ, ИМКОН ТОПДИ ДЕГУНЧА ДАРАХТ КЎКАРТИРАДИ.

«Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён, у ерни, табиатни севади, дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дараҳт кўкартиради...», — деган эди муҳтарам Президентимиз ўз мавзуларининг бирида. Дарҳакиқат, биз ана шундай табиатни жонидан севган, уни эъзозлаган, турмуш тарзини ҳеч қачон ундан айро тасаввур эта олмаган халқнинг фарзандларимиз.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган «Юксак экологик маданият — юксак таракқиёт» мавзусидаги давра сұхбатида ана шу каби масалалар хусусида фикр юритди.

— Тадбирни ташкил этишдан мақсад мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирокида мавжуд экологик муаммоларни таҳлил этиш, таклифлар ишлаб чиқиш, қўмита томонидан чоп этилган кўлланмалар тақдимотини ўтказиш

каби масалаларга қаратилган, — дейди Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси матбуот котиби Қобилжон Соқиев. — Айтиб ўтиш керакки, атроф-муҳит муҳофазасига даҳлдор бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Дейлик, Чирчик шаҳрида айни кунда соғ ривожланиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг баҳоси бир миллион АҚШ долларига teng. Шунингдек, Ангрен иссиқлик электр станциясида корхонанинг электр фильтрларини модернизация қилиш учун 450 минг евро миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилса, атроф-муҳитга чиқариладиган заҳарли моддалар кескин камаяди.

Давра сұхбатида сўз олган олимлар, соҳа мутахассислари, журналистлар мазкур дол зарб муаммо, унга замондошларимизнинг эътиборини қаратишга доир мuloҳазаларини далиллар, кузатишлари асосида изоҳлаб беришди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

2-BOSQICH FAN OLIMPIADALARI SHAYXONTONHUR TUMANIDAGI 102-MAKTABDA BO'LIB O'TDI VA UNDA KO'PLAB SALOHİYATI YUŞSAK O'QUVCHILAR ISHTIROK ETDLAR.

Ulardan бири, 9-B sinf o'quvchisi Jahona Qobilova o'z taassurotlarini shunday bayon qildi: "Men olimpiadaning tuman bosqichida qatnashganimdan juda ham mammunman. Ushbu bellashuv biz o'quvchilar uchun bo'lg'usi imtihonlarga tayyorgarlikdir. Olimpiada orqali ustozlarimizning bizga berayotgan bilimlarini yanada mustahkamlab oldik".

Tumandagi 15-maktab matematika fani o'qituvchisi Matluba Saidxo'jaeva ham o'z o'quvchisi g'olib bo'lganidan faxrlanganini bayon etdi: "Albatta, yoshlar uchun olimpiada katta sinov. Ularning bilimlariyuqori ekanligi yaqqol ko'zga tashlanib turibdi. Barcha o'quvchilar mukammal tayyorgarlik ko'rishgan. Ularga berilayotgan bunday e'tibor kelajak uchun qurilayotgan mustahkam poydevordir".

Olimpiadaning 2-bosqichida go'lib bo'lgan o'quvchilar 3-bosqichga tayyorgarlikni boshlab yuborishdi.

Alisher NAZAR MUAMEDOV,  
O'zMU o'zbek filologiyasi fakulteti talabasi

КИТОБ — ИНСОН УМРИГА МАЗМУН БАҒИШЛОВЧИ ЗИЙНАТДИР. БУ ЗИЙНАТ КО-МИЛЛИК ЧЎҚКИСИННИГ ПИЛЛАПОЯЛАРИНИ ҲАМ БЕЗАЙДИ.



Шу боис кишилар қалбida китобга ҳурмат, меҳр-муҳаббат уйғотиш, ундан самарали фойдаланишни ўрганиш ҳар қандай замонда ва маконда энг эзгу амаллардандир. Сергели туманидаги 300-мактабда ташкил этилган тадбир болажонлар қалбига ана шундай туйгуларни жойлади.

Давлатимиз маддияси билан бошланган "Китоб — бизнинг дўстимиз" деб номланган тадбир 1-“Б” ва “Д”- синф ўқувчилари иштирокида ўтказилди ва унга меҳрибон ўқитувчи-

лар, ота-оналар ҳамда бошқа меҳмонлар тақлиф этилди.

— «Ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақш кабидир», дей бежизга айтишмайди, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири 1-“Б”-синф ўқитувчisi Мунира Юсупова. — Бугунги тадбирни маърифат масакининг илк ғунчалари даврасида ўтказаётганимизнинг ҳам боиси шунда. "Болажонларнинг мурғак қалбларига китобга бўлган меҳр-муҳаббатдан нақшинкор гуллар солишни истаймиз. Токи уларни бу-

«ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДА БАРПО ЭТИЛГАН "ВАТАНГА ҚАСАМЁД" ХАЙКАЛИНИ ЗИЁРАТ ЭТИШ УЧУН ШУ КУНЛАРДА ТУРЛИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ИДОРАЛАРНИНГ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Хусусан, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали раҳбарияти ва талabalari ҳам "Ватанга қасамёд" ҳайкални пойига гуллар кўйиб, мажмуда ва унинг атрофида бўлган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таниши.

— Бу ердаги улкан бунёдкорлик ишларини кўрган кишининг кўзи кувнаши табиий, — дейди филиал директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринbosari Г.Худоярова. — Мазкур мажмуда мамлакатимиз сарҳадларини мардонавор ҳимоя қилаётган мард ва жасур ўғлонларимизга касб байрамлари олдидан ажойиб тухфа бўлди.

Талабаларнинг фахрийлар билан учрашувидан сўнг уларнинг кўзлашибида Ватанга муҳаббат, ифтихор, гурур ҳислари янада мустаҳкамланди десак муболага бўлмайди.

Шахноза АКРАМОВА



ПОЙТАХТИМИЗДА ГУНДА МАКТАБДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕАТРИ АКТЕРИ РАҶНО ЯРАШЕВА БИЛАН «МАЊАВИЯТ — САНЬАТ, АДАБИЁТ РИВОЖИННИГ БЕШИГИ» МАВЗУСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ЎҚУВЧИЛАРГА КАТТА МАЊАВИЙ ОЗУКА БЕРДИ.



Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишгач, Р.Ярашева ўзи иштирок этган спектаклардан монологлар ижро этиб берди.

— Мазкур учрашув асносида дарслар ҳам ўтказилмоқда, — дейди мактаб директори Фазилат Шоносирова. — Она тили ва адабиёт фани ўқитувчisi Лобар Расулованинг «Ўткан кунлар» романи юзасидан баҳс-мунозара, Дилобар Суҳбатованинг «Шоҳ, Фозий» ҳикоятида адолат тантанаси» очиқ дарслари ҳам кузатилиб, ўқувчиларнинг адабиёт фанига қизиқишилари ўрганилди. Д.Акбарова, Г.Тожибоева каби устозлар эса Юртбошимизнинг «Адабиётта эътибор — маънавиятта, келажакка эътибор» рисоласидан ҳар бир дарсда фойдаланиб, ёш ижодкорларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Махмуда ВАЛИЕВА,  
«Ma'rifat» мухбари

МИРZO УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА «14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда мазкур ўқув даргоҳида узоқ йиллар фаолият кўрсатган фахрийлар ҳамда байналмилад жангчилар, университет ҳарбий кафедрасида самарали фаолият кўрсатаётган мураббийлар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келиб, шу қутлуғ даргоҳда таҳсил олаётган фаол талабалар ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

— Пойтахтимида Ватан ҳимоячилари қақида билдирилган фикрлар қалбимизни тўлқинлантириб юборди, — дейди университетнинг ҳарбий кафедраси муддатли полковник Тўлқин Аҳмаджонов.

Тадбир сўнгидаги фахрийлар, ҳарбий кафедра мураббийлари ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келиган фаол талабалардан бир гурӯҳи ташкилотчиларнинг ҳамда ЎзМУ касаба ўюшмасининг фахрий ёрликлари, эсадалик совғалари билан тақдирланди.

Анвар ҚОБИЛОВ

Дилшод КАРИМОВ,  
«Ma'rifat» мухбари

**Кулол оиласида  
катта бўлган қиз**

Жиззах шаҳридаги «Ширин» 6-максус соғломлаштириш МТМининг олий тоифали логопед тарбиячиси Мамлакат Эрматова кўғирчоқлар ясаб, уларни болалар учун «тилга киритади». Унинг нияти, ҳар бир боланинг соф ва равон гапиришига эришиш, нутқий камчилиги бўлган кичкентойга ёрдам бериш. Опа бунинг учун ишни биринчи навбатда бола дунёсига кириб, унинг қалбига йўл топишдан, қизиқишини аниқлаб, ясаган кўғирчоқ ва ўйинчоқлари орқали руҳиятига таъсир этишдан бошлайди. Кўпинча Мамлакат опанинг таянч ҳаракат тъзолари ривожланмаган, аклий ривожланишдан орқада

**«Менга энг қолоқ  
синфи беринг»**

Отаси билан биргаликда ясаган хуштак ва ўйинчоқларни дўстларига тортиқ қилишга ўрганганд Мамлакат опа ёшлигиданоқ устозларидек меҳрибон ва талабчан ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Мактабдаги тўгарак ва тадбирларнинг фаол иштирокчиси — аълочи қизни эса бу эзгу максади Жиззах давлат педагогика институтига етаклаб келди. У синовлардан муваффа-

рилади. Хуллас, Мамлакат опа болалар билан ишлашда ҳеч бир машқни мажбуран бажаришга тўгри келувчи вазиятни юзага келтирмайди. Бола унинг кўрсатганини катта қизиқиши билан тақорлай бошлайди. Қолаверса, у болаларнинг кўлларига кўғирчоқ ушлатиб, ролга киргизиб гапириди. Тақорлакор ва мунтазам олиб борилган бундай машғулотлардан кейин эса, албатта, ўкувчиларнинг нутқида ривожланиш сезилиб, равон сўзлайдиган бўлишади.

Эди. Бола эса ҳар бир топширикини мамнун бажараради.

Орадан иккى ой ўтиб Хуршидинг нутқидаги камчиликларни йўқола бошлади. У ҳарфларни бир-биридан фарқлайдиган, тўгри талаффуз қиладиган, гап-сўзлари ҳам атрофдагилар ва ота-онасига тушунарли бўлиб бораради.

— Хозир Хуршиджон умумий ўрта таълим мактабининг 3-синфида ўқияпти, — дейди Мамлакат опа. — Байрамларда телефон орқали табриклаб туради. «Сиз ўғлимнинг би-

лика «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловида бир неча бор муваффакиятли иштирок этиб, Ҳалқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиги ва мукофотлари билан тақдирланган. «Ташаббус-2009» кўрик-танловиининг «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича 1-даражали дипломига эга бўлган муаллиманинг миллӣ кўғирчоқ ва таълими ўйинлари саноат корхоналарида ишлаб чиқарига тавсия қилинди.

Унинг «Ижодкор тарбиячи», «Болалар ақлий тафаккурини ўстирувчи таълимий ўйинлар», «Мактабгача таълим мазмунига миллӣ истиқлол гоясини жорий этиш методикаси», «Саломатлик — туман бойлик»,

# Қўғирчоқларни «Гапирираётган» логопед

колган, баъзан эса соппа-соғбўла туриб, нутқида муаммони бўлган болалар билан ишлашига тўгри келади. Бундай тоифадаги болалар айрим ҳолларда тарбиячи топшириғини тезда илғаб бажариши осон кечмайди. Шу боис, Мамлакат опа ўзи ясаган 200дан ортиқ эртак қаҳрамонлари сиймосидаги кўғирчоқлари ёрдамида бу муаммони осон ҳал қиласди. Баъзизда у кўғирчоқларни ролга киритиб «гапирирас», баъзизда физик мутахассислар билан биргаликда товуш чиқарадиган қилиб тайёрлайди.

— Боланинг ўз ўйинчоғи билан гаплашишини, унинг тилига «тушунишини» ва «тушунтира олишини» биз катталар ҳар доим ҳам англайвермаймиз, — дейди Мамлакат Эрматова. — Бола дунёни ўйинчоқлари орқали кашф қилиб, ижодий фикрлаш, сўз бойлигини ошириш ва атрофдагиларга дўстона муносабатда бўлишга ўрганди. Отам уста кулол бўлгани учун биз турли сопол ўйинчоқлар ясашни ўрганиб улгайғанмиз. Чеварлик онамдан ўтган. Масалан, «Р» товушини айтолмайдиган бола қамишдан ясалган найни кўпроқ чалса, бу нуксони бартараф этилиши кузатилган.

Мамлакат Эрматованинг нутқи ўстиришдек нозик ва мурakkab ишда эришаётган ютуллари бугун нафақат ўз жамоаси ёки шаҳар ҳалқ таълими доирасида эмас, вилоят, республика педагоглари томонидан ҳам эътироф этилимоқда. Жумладан, «Товушлар устида ишлаш» услугий кўлланмаси Республикаиздаги имконияти чекланган болалар таълим мусассасаларида ҳам кўлланилаётir. Яна 5ta услубий кўлланмаси вилоят ҳалқ таълими бошқармасига қарашли мусассасаларда кўлланилмоқда. Шунингдек, логопеднинг «к-г», «с-ш» ҳарфларини фарқлашга, «р» товушини тўгри талаффуз қилишга мўлжалланган методик тажрибаси мутахассислар томонидан маъқулланган. Бу ишда у пуфлаганда турли оҳанг чиқарадиган лойдан ясалган ҳайвонлар шаклидаги ўйинчоқлардан кенг фойдаланади.

Қиятли ўтиб, институтнинг бошлангич таълим методикаси факультетига ўқишга кирди. Талабаликда кечган шамолдек йиллар уни педагогика сир-асорларидан хабардор қилиб бораар экан, отасидан ўргангандарни танлаган йўлида жуда катта манба бўлганини англади. Мамлакат аввалига турли дидактик кўргазмали куроллар, бошлангич синф ўкувчилари учун мавзули ўйинчоқлар ясади. Шаҳардаги имконияти чекланган 32-мактабда иш бошлагач, ўқиган-ўргангандарни нутқида камчилиги бўлган ўкувчилардаги муаммони бартараф этишда кўл келди.

Дарвоке, нутқи ривожланмаганлигидан ўзлаштириши ҳам суст, 4 нафар ўкувчиси бор синфи Мамлакат Эрматова ўз хоҳишига биноан директордан талаб қилиб олди: «Менга энг қолоқ синфи беринг, бор куч-ғайратим билан уларни ўзgartиришига ҳаракат киласди. Мактаб директори эса ғайратли ёш қизнинг бу интилишини кўриб, уни кўллаб-куватлади.

## Най ва чанқовуз — зарур кўмакчи

Мамлакат Эрматова ўкувчиага дарс ўтар экан, ҳар бир болага ўз фарзандидек меҳр кўрсатишига ҳаракат қиласди. Уларга қамишдан сурнайча ва хуштакчалар, лойдан кўғирчоқлар ясад берди.

— Нутқи ривожланмаган бола билан ишлашда тил машқларини бажариш энг муҳим восита ҳисобланади. Бироқ фикри тарқоқ бўлган ўкувчи сиз кўрсатган машқларни кетма-кет бажара олмай, чалғиб кетади. Найдан ясалган хуштак, чанқовузни чалиб кўрсатганимда, бола кизикувчан эмасми, дарҳол машқни бажаришга ошиқади ва кетма-кет тил машқларини бажарганини ўзи ҳам билмай қолади, — дейди М. Эрматова.

Машқ жараёниди, най ва чанқовуздан куй таратиш учун оғиздан бир нафасда ҳаво чиқариш, тилни ҳаракатга келтириш зарур. Баъзизда ёнғоқ солиб, уни дам ўнг, дам чап лунжга ўтказиш, гоҳида эса сўрғични тиш орқасига кўйиб фижирлатиш машқлари бажа-

## Махсус МТМдан оммавий мактабга ёки логопед учун ёқимли дақиқалар

Аллақачон мактаб ёшига етган Хуршидинг Мамлакат опанинг ҳузурига олиб келишганида, унинг нутқида ўшига нисбатан сезиларли камчиликлари бор эди. Болакайнинг ота-онаси узокроқ кўшни туманда яшашар экан. Мамлакат опа уларнинг раъйини кайтаролмай кичкентойни уйида олиб қолди. Бир-икки кун Хуршид билан енгил тил машқларини бажарди. Топширилар бериб, унинг нутқий ҳолатини ўрганди. У рубоб чалишга қизиқар экан, рубоб ясад берди. Бундан руҳланган болакай кўлларини ҳаракатга келтириб, оғизда куй чиқара бошлади. Мамлакат опа эса айнан шуни кутганди. Чунки Хуршидинг ички қизиқишини ишга соглан ҳолда, унда ҳали чиқмаётган товушларни ҳосил қилишга қаратилган машқларни бажариш самаралиро ҳоли.

Мамлакат Эрматованинг бу хизматлари 2005 йили давлатимизнинг «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан муносиб тақдирланган бўлса, 2009 йилда Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Йил аёли» танловининг мутлақ голибаси бўлди. Бундан ташқари, опа Республика

ринчи устозисиз”, — дейди онаси. Бу гапни эшитиб бoshим осмонга етади. Шундай кезларда ота-онага боласининг равон сўзлашидек баҳти хис қилишида ҳисса кўшиш нақадар ёқимли эканлигини туман.

## Хорижликларга ҳам маъкул

Айни кунларда тажрибали логопеднинг ўйинчоқлари ва дидактик ўйинлари Республика мактаби мактаби бўйлаб тарқалмоқда. Унинг Хуршидабону исмли «Ракқоса қизи», мусиқали «Туякуш»и, ҳаракатчан, «Йиғлоқи күён»и, «Тулки ва Турна»си, «Она ва бешикчадаги бола» ўйинчоқлари нафақат болаларда, балки катталарда ҳам ажиб туйғулар уйғотади.

«Халқ таълими аълочиси» Мамлакат Эрматованинг бу хизматлари 2005 йили давлатимизнинг «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан муносиб тақдирланган бўлса, 2009 йилда Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган «Йил аёли» танловининг мутлақ голибаси бўлди. Бундан ташқари, опа Республика

«Эртаклар оламида яша, болакай», «Товушлар устида ишлаш» каби методик кўлланмалиридан МТМ тарбиячилари ва логопедлари самарали фойдаланиб келмоқда. Моҳир логопед устозлари Лола Мўминова ва Ёрқул Алимқулов ёрдамида ўз устида янада кўпроқ ишлаб, илмий янгиликлар, амалий ўзгаришлар яратишни билан яшамоқда.

Яқинда М. Эрматованинг фаoliyati билан боғлиқ яна бир янгиликни эшитиб, хурсанд бўлдик. Опанинг нутқи ривожланмаган болалар мумларини бартараф этишда кўғирчоқ ва хуштакли ўйинчоқлардан фойдаланиш методикаси япон педагоглари томонидан қизиқиши билан ўрганилиб, амалиётда кўлланилаётган экан.

Демак, хорижликлар эътиборини ҳам ўзига тортган ўзбек логопедининг иши ҳали келажақда кўплаб оилаларга қувонч, болажонларга эса бенуқсон ҳаёт улашишда давом этади.

Зебо НАМОЗОВА,  
“Ma'rifat” мухбири.

Владимир ГРАНКИН  
олган сурат.





Har bir fan o'qituvchisining dars o'tish metodikasi bor va ularning saviyasi ham har xil. Shunday muallima bor, o'quchilar uning darsida faol. O'tilgan mavzu yuzasidan berilgan savollarga javob berish istagida bo'Imagan o'quchchi deyarli yo'q. Bolalarda yangi mavzuni o'rganishga ishtiyoyq baland. Tanaffusga qo'ng'iroy chalinsa-da, o'quchilar darsning tugashini istamagandek bir holatda o'z guruhiariga berilgan savolni sharlashga oshiqadi. Bunday dars muallifiga qanday ta'rif berish mumkin?

— Maktabimizda 5 nafar tarix fani o'qituvchisi bor. Dinora Karimberdiyevan darslarini mazmunan juda boy. U «Hech bir dars bir-biriga o'xshamasligi kerak» deb hisoblaydi va shunga intiladi ham. Xoh an'anaviy, xoh no'anana naviy usul bo'lsin, bolalar bu muallimaning darslaridan bir olam taassurot bilan chiqishadi. Xoshisi, yosh o'qituvchi Dinoraxonning darslarini o'zingiz kuzating-a, bunga ishonch hosil qilasiz, — deya baho beradi Toshkent shahridagi tarix faniga ixtisoslashtirilgan 9-umumiy o'rta ta'lum maktabi direktorining o'quv ishlari bo'yicha o'rnbosari Dildora To'laganova.

...92 urug'dan iborat o'zbek millatining daraxt shaklidagi shajerasi. Markaziy Osiyoda milliy davlatchilikni tarkib topotirishga katta hissa qo'shgan Sohibqiron Amir Temur hayoti va uning sultanati haqidagi stend. Shuningdek, Zahiriddin Muhammad Bobur hayotidan hikoya qiluvchi matn. «Buyuk Ipak yo'li» aks etgan lavha. Mustaqil O'zbekiston Respublikasi haqidagi qisqa ma'lumotlar... sinfonanib bezab turibdi.

7-sinf «O'zbekiston tarixi» darsligidagi «Xorazmshohlar saltanati bilan mo'g'ullar davlati orasidagi munosabatlari» mavzusini o'tishga muallima tomonidan qo'yilgan ta'limiya maqsad: o'quchilarga mo'g'ullar davlatining tashkil topishi, Xorazmshohlar davlati bilan elchilik munosabati va uning buzilishi haqida ma'lumot berish.

**Tarbiyaviy maqsad:** o'quchilarda vatanparvarlik, xalqaro do'stlilik tushunchasini shakkantirish.

**Rivojlantiruvchi maqsad:** o'quchilarda tarixiy hodisalarga nisbatan to'g'ri xulosalay olish ko'nikmasini hosil qilish.

**Dars jihatlari:** darslik, xarita, vatman qog'osi, asosiy tushunchalar yozilgan kartochkalar.

**Dars uslubi:** klaster.

O'tilgan mavzuni takrorlash va mustahkamlash (darsning ikkinchi qismi) maqsadida muallima doskaga raqamli testdan o'ren olgan allomalarining nomlarini yozib qo'yan edi. Ularning barchasi Markaziy Osiyoda yashab o'tgan mutafakkirlar bo'lib, dunyo ilm-fani, madaniyati va san'ati rivojiga o'z hissalarini qo'shishgan. Al-Xorazmiy, Ahmad al-Farg'oniy, imom Al-Buxoriy, Abu Nasr Forobi, Abu Ali ibn Sino va jami 10 nafar tarixiy shaxs haqidagi ma'lumotlarni o'quchilar avvalgi darslarda bilib olgan.

Raqamli testda savollar shunday qo'yilganki, bola o'z daftariiga savol mazmunidan kelib chiqib, raqamlarda ifodalangan allomalarining hayotiga doir to'g'ri ma'lumotni belgilashi lozim edi. Masalan, «Hindiston», «Mineralogiya», «Geodeziya»... 160dan ziyod asarlar muallifi kim?». Testning 7-bandida Abu Rayhon Beruniy zikr etilgan. Demak, 5-savolning javobi testning 7-raqamida ifodalangan. Belgilash mumkinki, 5-7. Tabiiyki, bilimdon,

muallima dars davomida egallanishi kerak bo'lgan bilimlarni klaster uslubida jamlash maqsadga muvofig, deb topdi. Avvalo, darsni **rejali** tarzda tashkil etishning ahmiyati katta. Bu holatda na o'qituvchi, na o'quchilar hech qayoqqa chalg'imaydi, reja aniq maqsadga erishishning muhim sharti bo'lib xizmat qiladi. Shunday qilib, muallima darsning rejasini bayon qiladi:

1. Mo'g'ullar davlati.
2. Qo'shni davlatlarning bobib olinishi.
3. O'zaro elchilik aloqalari.
4. Munosabatlarning keskinlashuvi.


— Aziz o'quchilar, 1206-yilda mo'g'ullar davlatiga asos solinganidan xabaringiz bor.

oradan uch-to'rt yil o'tib, uning Shimoliy Xitoya qarshi bosqinchilik yurishlari boshlagani to'g'risida avvaldan tayyorlangan kartochkalar plakatga yopishtrildi. Shundan so'ng muallima Chingizxonning Sharqiy Turkiston, Yettisuvgu qarshi hujumlari, Xorazmshohlar davlatiga o'z elchisi — Roziyini yuborganidan o'quchilarni ogoh etib, diqqat-e'tiborni tobora ko'proq tortardi. Chingizxon bilan Xorazmshohlar davlati hukmdori orasidagi munosabatlarning keskinlashuvi sabab bo'lgan omil ham o'qituvchi e'tiboridan chetda qolmadidi.

Shu tariqa, doskada «Mo'g'ullar davlati va Xorazmshohlar davlati» mavzusiga daxidor bo'lgan yaxlit manzara

## OLTI QISMLI DARS

### UNING HAR BIR DAQIQASIDAN UNUMLI FOYDALANILDI



## ФАН ОЙЛИГИ ШУКУХИ

Денов туманидаги 17-ихтиослаштирилган давлат умумталим мактабида тарих ва хукук фанларини ўқитишида ўзига хос тажриба тўпланган. Мактаб ўкувчилари шу фанлар бўйича олимпиаданинг республика босқичида муносаби иштирок этиб, ўқитувчиларининг меҳнатини рўёбга чиқармоқда.

2008 йили мактабнинг тарих ва хукуқ фани ўқитувчisi Dilorom Ёкубованинг ўкувчisi Faiziddin Al'ev якуний босқичда 3-уринни кўлга киритди, у хозирда Toshkent давлат юридик инститutiда таҳсилни давом этираяпти. Ўкувчilar бундай мевафикацият чўққиларини кўзлар экан, аввало, устозларидан ўрнак олади. Ўттиз йиллик иш тажрибасига эга Dilorom Ёкубова 2008–2009 ўкув йилида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчisi» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-уринни эгаллади, республика босқичида ҳам мевафикациятли иштирок этиди.

— Мен хозир ўкувчilarimiga хукуқ фанидан сабоқ бермоқдаман, — дейди Dilorom Ёкубова.

— Мавзуни ўкувчilarга етказишда педагогик фаолиятим давомида ортирган шахсий иш тажрибам билан бирга янги педагогологиялардан ҳам самарали фойдаланаман. Айтиш жонизки, мактабларда фан ойликлari ўtkazilaётгани жуда яхши бўлди. Бир ой давомида фан ўқитувчilariда ҳам, шу фанга қизиқувчи ўкуvchilarda ҳам бошқачa шукух бўлади. Истардимки, бу шукух устоз-шогирдларни йил давомида тарк этмасин.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

qurlari bergan paydar-payta'riflardan so'ng aytishi kerak bo'idi.

**Birinchi o'quchchi:** 16 yoshida o'z ilmiy faoliyatini boshlagan.

**Ikkinci o'quchchi:** 17 yoshida mashhur tabib bo'lib tanilgan edi.

**Uchinchi o'quchchi:** «Tib qonunlari asarini yaratgan.

Yaxlitgina bu ma'lumotlarga tayangan doskadagi o'quchchi allomaning 980–1037-yillarda yashab faoliyat ko'rsatgan mashhur xalq tabibi Abu Ali ibn Sino ekanligini aytadi. Aynan shu taxlitda Muso al-Xorazmiy (783–850), Abu Rayhon Beruniy (973–1048) kabi allomalar haqidagi bilimlar tag'in yana mustahkamlandi.

**III.Yangi mavzu bayoni:** 24-paragraf. «Mo'g'ullar davlati va Xorazmshohlar davlati» mavzusi ancha murakkab bo'lib, uning mazmun-mohiyatini o'quchilar ongiga yetkazishda quruq bayon yetaricha samara bermaydi. Shu bois ham,

Uning hukmdori Chingizxon butun dunyoni bosib olishga ishtiyogi baland shaxs ediki, bu haqdagi kitoblarni o'qigansiz, filmlarni ko'rgansiz, o'qituvchi «1206-yil, Temuchin» so'zlarini yozilgan kartochkani mavzu yozilgan plakatning bir chetiga yopishtirib qo'ydi. Oraliqda bolalarga savol tashladi:

**Mo'g'ullarning turmush tarzi qanday edi?**

— Ko'chmanchi xalq bo'lib, asosan yilqichilik bilan shug'ullanngan.

Mavzu o'quchilarni o'ziga tobora ohanrabodek tortib borardi. Muallima mavzu bilan bog'liq ma'lumotlarni ravon qilib so'zlar, goho ularni fikrlashga undab, savollar tashlardi.

Chingizxonning o'z davlatini mustahkamlash maqsadida «Yaso» qonunlar to'plamini joriy etganligi, u keyinchalik 1207–1208-yillarda nayman va uyg'ur qabilalarini ham o'ziga bo'yusdirganligi,

yuzaga keldi. Faktlar, ma'lumotlar, sanalar bir-biriga xuddi zanjir xalqalari kabi bog'landiki, o'quchilardan o'sha davr, o'sha muhit haqida tasavvur paydo bo'lganligiga zarracha shubha qilmadik. Chunki ular mavzu bayonida o'qituvchi bilan goh bahs-munozara ga kirishar, goh savollar berishar, gohida esa o'z fikrlari bilan mavzuni to'ldirishardi.

Darsning tugashiga sanoqli daqiqalar qoldi. **To'rtinch qism** o'z-o'zidan **mavzuni mustahkamlash** bilan bog'liq ekanligi kundek ravshan. Qanday qilinsa, mavzu o'quchilarni xotirasiga ko'proq joylanadi? An'anaviy usul bu o'rinda qo'l kelishini muallima yaxshi biladi va shu bois

**birinchi guruh,** ya'ni birinchi qatorga shunday savol tashladi:

— Mo'g'ullarning kuch-qadrati nimada bo'lgan, deb o'ylaysiz?

**Ikkinci guruhga** berilgan savol:

— Korazmshoh tomonidan qanday xatoliklarga yo'l qo'yildi va mo'g'ullar bosqini bo'imasligi uchun Xorazmshoh davlati qanday qo'l tutishi lozim edi?

**Uchinchi guruh** hukmiga tashlangan savol:

— Korazmshohlar davlati inqirozining asosiy sabablari nimalarda deb o'ylaysiz?

Darsning **beshinchi qismida** guruhiar fikr-mulohazalarini tinglandi. Natijada esa o'tilgan dars orqali har bir o'quchchi eng kerakli ma'lumotlarni ola bildiki, bu holat javoblarda namoyon bo'ldi.

Dars yakuniga yetgan, tanaffusga qo'ng'iroy chaligan bo'lsa-da, o'quchilarni sinfonanani tark etgilar kelmasdi. Darsda faol qatnashgan o'quchilarni bilimini baholagan muallima Dinora Karimberdiyeva nimadandir qoniqmagandek bo'lib, darsning so'nggi — **oltinchi qismi** bilan mashg'ulotga yakun yasadi:

— Mavzuni darslikdan yaxhilab o'qiysiz. Qisqacha konsepti hammangizda bo'lishi zarur. Yuqorida berilgan savollarni aytilmagan javoblar bilan boyitasiz. Tarixning ushbu davriga doir xronologik jadval ham tuzishingiz kerak. Qani, ushbu topshiriqlarni kundaligingizga qayd etib oling.

...Dars nihoyasiga yetdi. 45 daqiga ko'pchilikning nazarida tez o'tib ketadigan lahma. Ammo aql bilan rejaga muvofig ish yuritilganda, 45 daqiqalik darsning har bir lahzasidan unumli va oqilona foydalananish mumkin ekanligini Dinora Karimberdiyeva faoliyati misolida kuzatdik. Olti qismidan iborat darsning har bir daqiqasiga yuklatilgan vazifa bor edi va buni muallima mohirona uddalay oldi.

O'qituvchining o'z hamkasbi haqidagi fikri qanday? Bu yanada muhim. Maktabning tarix fani o'qituvchisi, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiysi Muhabbat To'rabyeva 7-sinfda o'tilgan darsga shunday baho beradi:

— E'tibor berdingizmi, muallima kartochkalardan unumli foydalandi. Sanalarni bayon qilish o'quchchi xotirasini mustahkamlamaydi. Klaster uslubida mavzu tarmoqlarga ajratiladi. Sinfonada ishchanlik muhiti yuzaga keladi va har bir bola mavzuni o'rganishga, mustaqil fikrlashga kirishadi. Umuman, Dinoranning darslarida yangilik ko'p, u o'z o'quchilarni qo'shimcha manbalar ustida ishlashga majbur qiladi. Darslik bilan kifoyalanishning ahmiyati kamroq ekanligini ta'kidlaydi. Ana shu maktabning sobiq o'quchchisi, o'zimiz unga dars berardik, bugun esa u o'zi muallim va muallimlarini mahorati bilan qoyil qoldirmoqda.

Яна бир гурӯҳ тадқиқотчилар борки, улар ҳайвонларнинг сезги ҳиссиёти ва улар бераётган ишораларга эътибор қаратиш керак, деган фикрда. Аслида манбаларда келтирилишича, юон тарихчиси Диодор эрамиздан аввалги 373 йилда зилзила Коринф кўрфази соҳилидаги Гелика шаҳрини вайрон этганини ёзб қолдиган. Айни пайтда ҳалокатдан бирмунча аввал ҳайвонлар (каламуш, илон, ҳаттоки, ҳашаротлар) яшаш жойини ўзгартириш учун кўнши шаҳар томон кўча бошлади. Оғатдан кейин одамлар бу бежизга эмаслигини англаганлар, чунки зилзила зарбалари улар кўчиб борган ҳудудгача етиб бормаган. Колаверса, Қадимги Рим давлатидаги ҳам агар от, ит, фоз каби ҳайвонлар бесабаб безовталанса, йигин-ва мажлислар очик майдонга кўчирилган экан.

Rian.ru сайтида ёзилишича, жонзотлар оғатни ўз вақтида тўғри башорат этган биргина ҳолатда чора кўрилиб, кишилар ҳаёти саклангани қайд этилган. Бу воқеа 1975 йили февралда Хитойда содир бўлган. Ўша кунлари тоғли ҳудудга яқин жойлашган Хайчен шаҳрида ҳайвонлар ўзларини худди эртакдагик тутган. Мисол учун, бутун киш давомида горларда уйкуда бўладиган илонларга дуч келинаверилган. Шундан сўнг 4 февралда ҳукумат фавқулодда вазият эълон қиласди. Дарҳол аҳоли эвакуация қилинган, қимматбаҳо моддий бойликлар шаҳардан олиб чиқилган. Махаллий вақт билан 19:36да эса ҳалокат юз берди — шаҳар зилзила туфайли буткул вайрон бўлди.

Шу ўринда савол туғилади: нега ҳайвонлар оғатни барча сейсмологлардан аввал, бунинг устига улардан ҳам аниқроқ сезади? Мутахассислар жонзотларнинг безовта бўлиш ҳолатини изоҳлашга турлича ёндашадилар. Уларнинг қарашларининг ичада ҳақиқатга энг яқини қўйидагича: сейсмик тўлқинлар тарқалаётган пайтда ер қаърида жинсларнинг қисмларга ажралиш жараёни кечади. Уларда кимёвий реакциялар юз береб, оқибатда зарядланган заррача — ионлар ажралиб чиқади. Натижада ер юзасида статик электр токи ҳосил бўлади. Бундан, табиикӣ, ҳайвонлар териси зарядланади. Эътиборлиси, заряд дарахаси қанча кам бўлса, шунча унинг таъсири сезилмайди. Зарядланиш кучли бўлгани сари жонзотлар кўпроқ безовта бўлаверади. Дарё ва денгизда яшовчиларда шу каби ҳолатлар кузатилади, боиси сув жуда яхши ўтказувчи ҳисобланади. Масалан, Японияда баликларнинг бетоқатланиши мақолга айлануб улгурган: «Балиқ ўзини ҳар ёққа урса, демак, ер силкинади». Зарядланган зарралар ёпик жойларда айниқса кўп үйғилиши ҳам ўз тасдигини топди, шунинг учун илонлар горларни, каламушлар ертўлани тарқ этади.

Хўш, ҳар доим ҳам ҳайвонлар ҳаркатига асосланиб минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкини? 1976 йили Хитойда юз берган ҳалокат бу масалада қатъий фикр айтиб бўлмаслигини амалда тасдиқлади. Пекиндан 150 км. жанубдаги Танъшан шаҳрида содир бўлган зилзилага на ҳайвонлар, на одамлар тайёр эди. Бир миллион аҳоли истиқомат қиласиган ушбу саноат шаҳри оғат туфайли батамом вайронага айланди, дейилади [inosmi.ru](#) электрон манбасида. Демак, сейсмолог-ҳайвонлар ҳам адашади. Бунинг устига, тўрто-ёкли ҳайвонлар ва күшлар оддий момақалдириқдан олдин, яни ҳавода зарядланган зарралар оқими кучаядиган пайтида ҳам безовталаниши мумкин.

Қўриниб турганидек, Ер ости зарбалиридан ҳимояланиш масаласи ҳали тўлиқ ўз ечимини топмаган. Турли мамлакатларнинг геофизик олимлари ҳали ҳамон зилзилани олдиндан аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

## ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ТАКЛИФИ

«АйсКюб» расадхонасида ишлаётган олимлар атмосферанинг юқори қатламлари ҳароратини ўлчашнинг янги усулини ишлаб чиқдилар, деб ҳабар берди «Архив» манбаси.

Ушбу иммий марказ детекторлари

Антарктида музликларида

жойлашган. Унинг кўрсатичлари сув молекулалари ва космик нурларнинг тўқнашувидан ҳосил бўладиган бирикма(мюон) ҳакида маълумотлар бериб туради.

Аниқланишича, детекторларга келиб тушган мюонлар атмосферанинг юқори қатламларида ҳароратни белгилашда анча кўл келар экан.

«Агар ҳарорат пастлиги сезилса, юқори қатламларда ҳаво зичлиги анча юқори бўлади. Бундай ҳолларда космик нурлар молекулалар билан кўпроқ урилади ва детектор сатҳига катта микдорда мюонлар келиб тушади. Агар ҳарорат юқори бўлса, бунинг акси кузатилади», — дейди тадқиқотчилар вакили.

Мутахассисларнинг фикрича, жорий усул стратосфера-даги ҳароратни катта аниқликда билиш имконини беради. Шу орқали Жанубий кутуб устида ҳар юли пайдо бўладиган озон туйнукларининг иссиқлик динамикасини ўрганиш мумкин.

## КЎРГАЗМАДАН ҲАБАР ҚИЛАМИЗ

**АҚШНИНГ ЛАС-ВЕГАС ШАҲРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «КОНСЮМЕР ЭЛЕКТРОНИКС ШОУ» КЎРГАЗМАСИДА «МАРВЕЛ» КОМПАНИЯСИ ЎЗИННИГ БИРИНЧИ ТЎРТ ЯДРОЛИ ЭЙ-АР-ЭМ-ПРОЦЕССОРИ «АРМАДА 610»НИ ОММАГА НАМОЙИШ ЭТДИ. БУ ҲАҚИДА «БИ-ЭС-ЭН» МАЪЛУМОТ БЕРДИ.**

Ташкилот ходимларининг айтишича, ҳар бир ядро гигагерцдан кўпроқ частотада ишлай олади. Унинг асосида «Эй-Ар-Эм ви7» архитектураси ётади.

«Марвел» вице-президенти Вейли Дайнинг маълумотларига кўра, мазкур курилма кам электр куввати талаб қиласди ва у кенг оммага мўлжалланган. Яқин кунларда у нетбуklar ва интернет-планшетларга ўрнатилади.

Айнан шу тадбирда «Эй-Ми-Ди» компанияси «Радеон» видеокартасининг мобил вариантини таништириди. У ноутбукларда бир қатор ўйин дастурларидан Фойдаланиш имконини беради, деб ёзади «Фудзилла» манбаси.

Ушбу курилмани ноутбукка улашда «Икс-Жий-Пи» интерфейси кўлланилди.

«Панасоник» компанияси эса диагонали 3,8 метрга тенг, 4096X2160 пикселли 3-Ди-телевизорини намойиш этди.

«КиберСекюрити» манбасининг ёзишига кўра, ушбу «гапириучи кути» бир қатор илгор инновацион технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилган бўлиб, у электр кувватини тешаш ва тасвирни янада жонли қилиб узатиш имконини беради.

«Пи-Ди-Пи» номини олган телевизор уч ўлчамли тизимда ҳам ишлайди. Бунинг учун маҳсус кўзойнакни тақиб олиш керак. «Томошабин тасвирни сифатли қабул қилиш учун экрандан 7,5—11,5 метр узокликда жойлашишини маслаҳат берамиз», — дейди ташкилот ходимларидан бири.

Унинг нархи ҳозирча ошкор этилмаяпти, аммо таҳминларга кўра, бу кўрсаткич бир неча ўн минг долларга етади.

**«Gulyamov and Partners»  
 фирмаси таъсисчиларнинг  
14.01.2010 йилги умумий  
мажлисининг 1-сонли  
қарори асосида  
тугатилади. Даъволар  
эълон чоп этилган кундан  
бошлаб 30 кун муддат  
иҷадида қабул қилинади.**

**Манзил: Юнусобод тумани,  
17-мавзе, 12-«Б» уй.  
Тел.: 254-88-48**

Наргиза ИБРОХИМОВА



## ҚАДАМ ТАШЛАЁТГАН ОДАМ I СОТУВДА

«Сазербайс» кимошиби уйида Альберто Жакометти ижодига мансуб «Қадам ташлаётган одам I» ҳайкали сотувга кўйилди, деб ҳабар берди «Лента».

Унинг бошланғич нархи 19—20 млн. атрофида баҳоланмоқда. 2008 йили Жакометтининг «Тик турган катта хотин II» асари 27,4 млн. долларга харид қилинганди.

Италиялик ҳайкалтарошнинг энг ийрик ижод маҳсулли (баландлиги 183 см.) — «Қадам ташлаётган ҳайкал I» бу борадаги рекордни янгилаши кутилаяпти.

Яқинда унинг яна бир иши «Иккита-ётган одам» 19,3 млн. долларга сотилганди.

3 февраль куни ташкил этиладиган навбатдаги аукционга Густав Климатнинг «Кассондаги черков», Пол Сезаннинг натюрморти ҳам харидорлар эътиборига ҳавола этилади.



## САККИЗИНЧИ АВЛОД

«Тойота» компанияси Детройт шаҳрида давом этаётган моторшоуда ўзининг янги гибрид автомобили — «Эф-Ти-Си-Эйч» билан қатнашмоқда. Автоуловнинг ташкил кўринишида ташкилотнинг Ницца шаҳридаги дизайн-маркази ходимларининг ҳиссаси катта бўлди.



Янги машина бундан олдинг гибрид «Тойота Приус»дан 55 см.га кисқа ва 2,5 см.га торроқдир. «Эф-Ти-Си-Эйч» ўз «турдошлари»га нисбатан ёқилғини камрок «истемол қилиши» билан ажралиб туради. Ҳозирча унинг мотор тузилиши, техник ва динамик ҳусусиятлари ҳақида маълумотлар ошкор этилмаяпти, аммо унинг нархи «Приус»га нисбатан арzon бўлиши аниқ, деб ёзади «Автолента».

Шундай қилиб «Тойота» саккизинча русумдаги гибрид маҳсулотини ҳам яратди. Манбаларнинг ҳабар беришича, агар у харидорлардага катта қизиқиш ўйғотса, 2011 йилга келиб оммавий тарзда ишлаб чиқарилади.

## СИЧҚОНГА ЖАҲЛ ҚИЛИП...

«Бургага аччиқ қилиб кўрпани ёқмоқ» деган иборани кўп бор эшитганимиз. Яқинда Австрияning Штирия провинциясида рўй берган воқеага нисбатан айнан юқоридаги фразеологик бирикмани қўллаш мумкин. 39 ёшли киши яқиндагина таъмирдан чиқсан уйида кўриб қолган сичқон инини йўқ қиламан деб кутила ганда уйини ёқиб юборди, деб ёзади «О-Эр-Эф» манбаси.



У бунинг учун ковакни тез ёнадиган полиуретани монтаж кўпиллари билан тўлдиришга киришиди. Шу тадбир давомида йўл қўйган эҳтиётсизлиги туфайли баҳтсиз воқеа келиб чиқди. Натижада у беш минг еврода тенг зарар кўрди.

Ходисадан жабрланмаган ўй эгаси эса ОАВга шундай интервью берди: «Умид қила манки, бундай ёнғиндан кейин кемириувчи тирик қолмаган». Интернет манбалари асосида Мадина ҲОШИМХОНОВА тайёрлади.


**2009 йилда умумтаълим мактабларини мебель, ўкув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникиси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўйича қайта тендер савдосининг ғолиблари**  
**РЎЙХАТИ**

№	Тендер савдоси ғолиблари номи	Лотлар
1	«Ittifoq» МЧЖ	18/1, 18/4
2	«Stekloplastik» ОТАЖ	37
3	«Mash Him» МЧЖ	38

2003 йил 24 февралда Адлия вазирлигидан 534-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган «Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт» жамоатчилик маркази умумий ийилиши қарори билан тугатилмоқда. Эътиrozлар 2 ой муддат иҷадида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 2-боши берк кўча, 28-йи. Тел.: 158-05-30.

Дарҳақиқат, олам ахлини ҳайратга солған етти мъжиза хусусидаги маълумотлар хеч кимни бефарқ ва беэтибор қолдирмайди. Жумладан, шоир ва давлат арбоби Захирiddin Муҳаммад Бобурнинг чевараси Шоҳ Жаҳон томонидан суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳалбекимнинг хотирасига бунёд этилган Тож Маҳал макбараси неча асрларки дилларни ҳаяжонга тўлдириб келмоқда. Хўш, мазкур бетак-



лар» материалидан мураббийлар худди ана шу нуқтада ижодий фойдаланишлари мумкин. «Ранг-баранг олам» руқнида бу гал «Қора денгиз қаъридаги синоат» не эканини билиб олишингиз мумкин. География дарсларини глобуларсиз тасаввур этиш кўйин. Айни пайтда ана шу глобулар ҳам ўзига яраша тарихга эга. Ана шу тарихий далиллар ҳақида билимлар ҳам ўкувчи, ҳам ўқитувчиларни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Биз маз-

## ДУНЁДАГИ ЕТТИ МЪЖИЗА улар ҳақида нималарни биласиз?

пор обиданинг бугунги ҳолати хусусида тасаввурга эгамилиз? Агар шу ва шу каби мавзулар сизни кизиқтирса, айни кунда ўз муҳлислари кўлига этиб борган «Мактабда география» журналининг 12-сонини, албатта, мутола қилинг.

Журнал ўз анъаналарига содик қолган ҳолда бу гал ҳам фанни ўқитиш самарадор-

лигини оширишда ўқитувчиларга кўмаклашиш мақсадида «Долзарб мавзу» руқнида «Таълимий узвийликнинг педагогик аломатлари» мақолосини ёълон қилинг. Албатта, дарсларнинг самарадорлигини оширишда амалий машгулотларнинг тўғри ташкил этилиши мухим аҳамият касб этади. «Асосий географик тушунча-

кур чиқишимизда ана шу мавзуга ҳам мурожаат қилдик. Хуллас, азиз журналхон, география оламида гап кўп. Келинг, яхшиси, журнални мутола қилинг ва мулоҳазаларнинг бизга йўлланг. Навбатдаги чиқишлиларнинг сизнинг фикрларнингизни, албатта, ётиборга оламиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизмининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашни кўзда тутганки, бунга келажак сари интилишнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Таъкидлаш жоизки, буюк келажакка муносаб, билимли, зуко, замонавий фан-технологияларни эгаллаган ёшларни тарбиялашда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган устозларнинг ҳам ҳиссаси катта. Физика-математика фанлари доктори, профессор, компьютер алгебраси (CASC) бўйича йиллик халқаро ташкилий кўмита аъзоси, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўкув ва иммий ишлар бўйича проектори Аҳмаджон Солиев ана шундай истеъододли олимлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ИЛМГА ИНТИЛГАН УСТОЗ ИБРАТИ

«Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2006 йил 7 августрдаги қарори ёълон қилиниши билан республикамизда иммий тадқиқот ишларини ривожлантириш, айниқса, ёш авлоднинг замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда алгебра, математика фанларини ўрганишига алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда.

Аҳмаджон ҳали ёшлик пайтидаёқ фаннинг анча мураккаб соҳаси — алгебра билан шуғуланиши бошлар экан, энг аввало, бу фанни ҳисоблаш техникаси билан боғлаб иш олиб бориш, ундаги мураккаб жиҳатларни, ҳали очилмай қолган қирраларининг ечимини топишга ҳаракат қилди.

У аспирантурада таҳсил олиб, назарий қарашларини амалиётга татбиқ этди ва 1981 йилда шу соҳада номзодлик диссертациясини ёқлади. 1995 йилда эса «Ньютон назариясидаги кўпкірраликдан алгебраик ва дифференциал тенгламалар ечимини топиш муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

А.Солиев дастлабки ишни университетда локал тармок яратишдан бошлади, чунки бу соҳани ривожлантирай турб, таълим сифатида юқори самарадорликка эришиб бўлмасди. Бунинг учун университет иккى километрли опто-толали алоқа тармогини тортиб, уни Шанхай-Франкфурт тармогига улашди. Ушбу тармокнинг ишга тушиши билан университетда янги информацион педагогик технологияни ўкув жараёнинг татбиқ этиш бошланди.

Айни пайтда университетнинг барча факультет, кафедра, кутубхона, ҳисобхона ва бошқа тармоклари асосан янги компьютер, замонавий техник мосламалар билан таъминланди.

Охирги икки йилда талабаларнинг ижодий ишлари, компьютер тизими билан «дўстлашиши», курс ишлари ва битирив малакавий ишларини уларнинг ўзлари компьтерда бажаришлари, талабалардан истеъододилари илм даргоҳининг остоасини ҳатлаб, айримлари етук олимлар сафидан жой олгани, қолаверса, ҳар куни ўнлаб шогирдлар проректор қабулида бўлиб янги замонавий технология, аниқ фанлар муаммоларига тегишли масалаларни ҳал этиб боришлари фикримиз далилидир.

Юқоридаги масалалар А.Солиевга университет ўкув жараёнини шаклантириш, меъёрий ҳужжатларни янгилашга эътиборини қаратишига олиб келди. Унинг раҳбарлигига бакалаврият йўналишининг 29 соҳаси, магистратуранинг 69 йўналиши бўйича меъёрий ҳужжатлар типик режаларга мослаштирилди, барча соҳалар бўйича иш режалари,

дастурлар тузилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Бевосита истеъододли раҳбар ташабbusi билан университет профессор-педагогларининг малакаларини оширишга катта эътибор берилди. Фақат 2005—2009 йиллар давомида университет устозларидан жами 1568 нафари малакаларини ошириган бўлсалар, шулардан 1240 нафари республика олий таълимдан кейинги муассасаларда, 71 нафари Ҳамдўстлик мамлакатлари олий ўкув юртларида, 156 нафари эса узоқ чет эл давлатлари — Англия, Германия, Франция, Япония, Таиланд, Малайзия, Ироил ва бошқа мамлакатлarda малакаларини ошириб келишиди. Университет профессор-ўқитувчилари бу давлатлардаги олий таълим тизмининг илгор жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш қаторида Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим ислоҳотларини тарғиб этиб қайтиди.

Професор А.Солиев 5ta монография, 100дан ортиқ иммий-оммабоп мақолалар, 12ta методик кўлланма муаллифидир. Унинг Математика институти Ихтисослаштирилган кенгаши аъзоси эканлиги ҳам иммий тадқиқот доирасида ўз ўрни борлигини билдиради. Унинг раҳбарлигига 1ta докторлик, 3ta номзодлик диссертацияси ҳимоя этилган ва қатор шогирдлари иммий ишлар олиб боришмоқда.

Изланувчан олим А.Солиевнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, унда ўзига хос ҳисоблаштилар мажассамлашганига амин бўласиз: интилувчан, шогирдларвар, изланувчан. Бундай фазилатлар ёшларнинг севимли устозига улуғворлик баҳш этади.

Ҳасан КУДРАТУЛЛАЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор,  
Азиз ЮНУСОВ

## ШОГИРДЛАРИГА ЕЛКАДОШ

Оилада янги түғлан чақалоққа катта умидлар билан келажақда болала-римнинг, ўз тенгкорларининг сарвари бўлади деб яхши нијатлар қўлган Муқаддир ақага уруш туфайли бу кунларни кўриш насиб этмади. Лекин инсон боласининг сабру тоқатига таъриф йўқ экан. Муштипар Ҳожия она иккинчи жаҳон урушининг азоб-укубатларию, тўзонли йилларнинг қаҳатчилик даврини чидам билан ёнгди, беш фарзанди оқ тараф, оқ ювоб тарбиялади, билимли қилди. Қалбиди техникага эрта ихлас ўйғонган Сарварни яхши ўқишига унди. Онанинг насиҳатларига кулоқ тутган Сарвар ўрта мактабни имтиёзли битирди.

Тошкент политехника институти меканика факультетидаги ўқиб юрган кезлар кезар ҳам онаси ўғитини

ёдида тутди, устозлар насиҳатига кулоқ осди, фан-техника сир-асорларини чукур ўрганди. Ундаги истеъододни кўрган профессор-ўқитувчилар заковатли йигитни аспирантурада ўқишига таклиф этишиди. У ўзи қизиқсан соҳа ички ёнвдвигателларига, яни дизелдвигателларига доир мавзусида номзодлик диссертациясини мувafferfaqiyatlari химоя қилди.

Илмий изланишлари илм захматкашлари томонидан эътироф этилди. Сарвар Қодиров 1984 йили «Иссик икlim, чанги ва топиши соҳа мутахассислари, олимлари зиммасига катта масъулият юклади. Кўплар қатори Сарвар Қодиров ҳам енг шимариб ишга кириди. Илмий салоҳияти, ишга фидоилик унинг ТАЙИ ректори лавозимида фоалият кўрсатишига асос бўлди.

Бевосита меҳнатлари самара-

сида билим даргоҳида қисқа муддат ичидаги соғлом мүйт, ишчан меҳнат жамоси шаклланди, бир неча илмий-амалий марказлар, янги мутахассислик йўналишлари ташкил этилди, чет эл университетлари билан алоқалар ўрнатилди. Иктидорли талабаларни танлаб олиб, алоҳида гурухларда маҳсус дастурлар асосида ўқитиши, «Талабалар» жамғармасининг тузилиши кабири ҳам бевосита Сарвар Қодиров ташаббуси билан юзага келди.

Хозирда С. Қодиров мазкур билан даргоҳида «Автотрактор двигательлари ва экология» кафедрасида ишлар экан, талаба-ёшларга илм асосларини астайдил ўргатмоқда, уларнинг илмий изланишларига раҳбарлик қилмоқда.

Ҳа, тиниб-тинчимас, ўзига хос ҳаёт йўлига эга бу инсонга қараб, унинг табаррук ёшни қаршилаётнига ҳам ишонгинг келмайди. Зоро, инсон умри узунлиги ёш билан, мазмуни эса амалга оширган хайрли ишлари билан ўтчанди.

**Мурод ИКРОМОВ,  
ТАЙИ ректори,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор**

Оисё иклимида двигател-

ларни, электр токи ҳосил қилишни ҳам лаборатория асбоб-ускуналари орқали кўрсатди. Оптик услубда спектр ҳосил қилиш ҳам муаллим дарс берадиган ўқувчиларга кийин эмас.

Эришаётган

муваффақиятларимда Ўтал Ҳайдаров, Бухорбой Акромов, Ботир Азизов каби устозларимнинг ҳиссалари бор. Улар билан ҳар гал учрашганимда нималардир ўрганаман. Бир-биримизнинг фолиятимизни таҳлил қилиб, муносабат билдириш одатимиз бор. Бу менимча, қайси маънода бўлмасин, бизни хушёрликка унрайди.


Физика таълим мининг азалазалдан давом этиб келаётган асослари бор. Мазкур фандан дарс берадиган муаллимлар эса ана шу асосларга таяниб, янгича педагогик технологияларда дарс бериши лозим. Исимиддин Қосимов шунга интилади.

**Намоз ҚАРШИЕВ**



**МУСТАКИЛ ФИКР –  
ҲАМИША ҚАДРЛИ**

Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитиши бўйича ҳар қайси мактабнинг ўзига хос тажрибаси бор. Муракаблик ҳисобияти бўлганинг мустақил ишлари ўзини ўзлаштиришида қийналмай-диган бола бошқа фанларда ҳам юқори кўрсатичларга эришиши мумкин. Арнасой туманидаги 11-умумтадим мактаби физика фанини ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Исимиддин Қосимов ана шу фанни ўқитиши устида мудом бош қотиради. Ҳалқ таълими вазирлиги, республика Таълим маркази томонидан ташкил этилган «Таълим муассасаларида дўстона ўқув муҳитини яратиш» мавзусидаги амалий конференциясида қатнашиб қайтган муаллим ўқувчиларнинг мустақил ишлари кўпроқ эътибор бера бошлади. У физика фанидан ўқувчиларга электродинамика, оптика ва механика бўйимларига ўтгач, мустақил равишда содда электр занжиридан фойда-



Qishloqdan chiqqan champion

ли спортчилардан бири Шоҳруҳ Асқаров мақтовга арзигулик муввафқиятларга эришмоқда.

Айни пайтда у Зангиота туманинаги 25-умумталим мактабининг 7-синф ўкувчи. Кикбоксинг билан бир неча йиллардан бери шуғулланиб келаётган Шоҳруҳ ўзи таҳсил олаётган мактаб қошида ташкил этилган Хонобод спорт мажмуаси тарбияланувчисидир. Мураббийси Нуриддин Долимов-

тириш жамғармасининг 7 йиллиги муносабати билан ташкил этилган турнирда олтин медални кўлга киритган Шоҳруҳ бугун ҳам навбатдаги мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

— Чемпион бўлиш учун тинимиз сиз шуғуланиш ва машқ қилиш даркор, — дейди у. — Лекин ушбу ҳаракатлар замирида галабага иштилиш ҳисси ҳамма нарсадан ҳам кучли бўлиши лозим. Шу сабаб

## МУҲИМИ – ФАЛАБАГА ИШОНЧ

Сўнгги йилларда республика мизнинг турли худудларида кикбоксинг спорт тури ёш авлод ўртасида оммалашаётганини спортчиларнинг мусобақаларда эришаётган ютуқлари яқол на-мойиш этмоқда. Мазкур спорт тури жасорат, қатъятилил, тезкор равишда вазиятни баҳолаш ва шунга яраша шиддат билан ҳара-катланиши талаб этади. Шу сабаб ҳам, факат мақсадли равишда астойдил шуғулланган бунда зафар кучади. Бугун кикбоксинг бўйича мусобақаларда ёш умид-

нинг таъкидлашича, ёш спортчи тиришқоқлиги сабаб, қисқа фур-сат ичидан бир қанча мусобақаларда голибликни қўлга кириди. Ҳозирда кикбоксчи Зта олтин, 2та кумуш ва 1та бронза медаллари соҳиби. Унинг интилишларини кузатиб айтиш мумкинки, бу ёш истеъод эгаси спортда эришаётган зафарларининг дастлабки натижалари, холос. Шу билан бирга, у ўкув муассасасининг аълочи ўқувчиларидан бири эканини ҳам этироф этиш лозим.

Болалар спортини ривожлан-

бўлса керак, бобом ва устозим спортчи қалбидаги ишонч ва руҳий ҳотиржамлик жисмоний тайёргарлик каби мухим аҳамиятга эгалигини доимо таъкидлайдилар.

Келгусида ҳуқуқшунос бўлишини орзу қилган Шоҳруҳ Асқаров спорт билан ҳам мунтазам шуғуланиш ниятида. Ҳозирда 48 кг. вазн тоифасида ҳаваскорлар ўртасидаги мусобақалarda голибликни кўлдан бермай келаётган ўқувчи-кикбоксчига бундан кейинги одимларида ҳам факт зафарлар тилаймиз.

Н.РУСТАМБЕКОВА

## СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Қирғизистонда (Бишкек шаҳри) ўтказилган ўсмирилар ҳалқаро турнирида "Чилонзор" жамоаси ўсмир футболчилари зафар қувишди. Пойтахтимиз вакиллари мусобақа давомида 2 ва 3-уринни банд этган мезбон жамоалари "Бишкек футбол маркази" ҳамда "Абдиш-Ота" ўсмир спортчиларини мағлуб этишди. Шунингдек, "Аслил" (Жалолобод) ва Қозоғистондан келган жамоа устидан ҳам ғалаба қучди. "Чилонзор"чи Рустам Нортожиев тадбирнинг "Энг яхши дарвозабони" номинациясига лойик кўрилди.

Россияда (Москва шаҳри) 16–24 январь кунлари бўлиб ўтадиган футбол бўйича МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги баҳсларида Ўзбекистон чемпиони "Бунёдкор" ("Д ғурухи") клуби ҳам иштирок этмоқда. Маълум бўлишича, мазкур анъанавий мусобақаларда клубнинг иккинчи таркиби қатнашади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек шаҳарчасида жойлашган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари

### ДИҚҚАТИГА!

1. Курилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиши бошқармаси маълум қиласи, энергия ташувчи мухит нархи ошиши муносабати билан 2010 йил 1 февралдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ККС сиз 16598 сўм/Гкал миқдорида ва ККС билан 19917-60 сўм/Гкал. миқдорида белгиланди.

Улуғбек шаҳарчаси аҳолиси диккатига!

2. КТХКБ «Улуғбек шаҳарчаси» аҳолиси эътиборига шуни маълум қиласи, энергия ташувчи мухит нархи ошиши муносабати билан 2010 йил 1 февралдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қўйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланди:

— марказий иситиш — 354 сўм/м<sup>2</sup>/ой (турар жой майдони);  
иссиқ сув таъминоти:  
— ҳисобга оловчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 2929-86 сўм/киши/ой;  
— ҳисобга оловчи асбоблар бўлган тақдирда — 891-31 сўм/м<sup>3</sup>.

Чимёнда тоғ чанғиси бўйича ўтказилган мусобақада юртимизнинг кўзга кўринган спортчилари беллаши. Эрраклар ўртасидаги мусобақаларда Дмитрий Бабиков ҳамда Артём Воронин 1та олтин ва 1та кумуш, Никита Шулигин 2та бронза медали соҳиби бўлди. Хотин-қизлар баҳсларида эса Татьяна Баранова 2та олтин медалга эришиди. Светлана Баранова кумуш, Наталия Чупрова бронза медали билан кифояланди.

Хиндишонда (Калкутта шаҳрида) ўтказилган Халқаро тенис федерацияси мусобақалари тақвимига киритилган ўсмирлар ўртасидаги турнирида яккалик матчларда Пўлат Бобохонов хиндишонлик Ҳарри Жиндалга қарши курашиб, 7:5, 6:1 ҳисобида енгди. Азиз Йўлдошев ҳам Анвир Бендре 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратда олди. Жуфтлик ўйинларида тенисчимиз Аҳмад Жамол Муҳаммад таиландлик Конгпол Леертар билан ҳамкорликда ўйнаб, чорак финал йўлланмасига эга бўлди.

Вниманию руководителей предприятий и организаций, расположенных в городке Улугбек Мирзо-Улугбекского района города Ташкента!

1. Ремонтно-строительное эксплуатационное управление п. Улугбек сообщает, что в связи с повышением стоимости энергоносивной среды с 1 февраля 2010 года для предприятий и организаций тарифы на тепловую энергию устанавливаются в размере 16598 сүм/Гкал. без НДС, с НДС — на 19917-60 сүм/Гкал.

Вниманию населения городка Улугбек!

2. РСЭУ доводит до внимания населения городка Улугбек, что в связи с повышением стоимости энергоносивной среды с 1 февраля 2010 года устанавливаются следующие тарифы (стоимость) за тепловую энергию и горячую воду:

— центральное отопление — 354 сүм/м<sup>2</sup>. за месяц (Жилая площадь);  
обеспечение горячей водой:  
— при отсутствии измерительных приборов — 2929,86 сүм (чел.) за месяц;  
— при наличии измерительных приборов — 891-31 сүм/м<sup>3</sup>.

## ОЛИЙ МАҲСАДИИ КЎЗЛАБ

Юрагида Ватанига, она юртига, ҳалқига бўлган меҳри ва садоқати түғён уриб турган ҳар бир мард ўғлон борки, болалигиданоқ посон бўлишини, аскар кийимида юриб, Ватанини турли ёвуз кучлардан химоя қилиш орзуси билан вояга етади.

Ана шундай ўғлонлардан бири Исмоил Файбулаев Наманган шахрида йўл патрул хизматида фаолият юритган отаси Носиржон Исмоиловга ҳавас кўзи билан қараб, унинг касбини давом эттиришини кўнглига тугиб улгайди. Қаҳрамонимизнинг отаси ҳам ўз сабаби, эл юрт олдида бурч ва масъулиятига содик инсон эди. У хизмат вазифасини ўташ чогида мардларча ҳалок бўлди.

Исмоилжон 2005 йилда ЖАР спорт-согломаштириш комплекси қошидаги ҳарбийлаштирилган маҳсус мактаб-интернатида ўқишига кирди. Таҳсил олиш чогида ўз тиришқоқлиги, фанларни ўзлаштириши, ўзига юкланган ҳар бир вазифага алоҳида масъулият билан ёндашиши билан командир ва устоз-мураббийларининг меҳри ва олқишига сазовор бўлмоқда. Ўз олдига кўйган эзгу мақсади йўлида тинимиз сехнат қилиш, яхши ўқиши, эртаниги орзу-умидлар рўёби учун бугундан ҳаракат қилиш лозимлигини тушуниб етгани ҳолда, мактабнинг энг илгор ва фаол ўқувчиларидан бири бўлишига интилмоқда.

— Отамнинг чиройли фурашкаси, доим тоза ва саранжом-саришта турдиган кийимида болалигимда жуда қизиқардим. Менда отамнинг касбига бўлган ҳавас мана шу ҷоғлардаётк ўйғонганди. Бундан ташқари, отам ҳам касбини давом эттиришимни истарди. Ҳаётда ўз ўрнимни эгаллашни, касбиминг мөхир устаси отамга муносиб фарзанд, Ватаним корига ярайдиган иродали, мард ўғлон бўлишини истайман. Эришган ютукларимни кўриб отамнинг ҳам руҳи шод бўлишини хоҳлайман ва бу ниятилага, албатта, эришаман.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ «ЖАР» спорт согломаштириш маҳмуси хузуридаги ҳарбийлаштирилган маҳсус мактаб-интернатимиз 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 250 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди биз билан сұхбатда ўқувчи мусассаса директори ӯринбосари Мухайё Одилова.

Бизнинг мактабимизда ўқувчиларимиз 4 маҳал овқат, озода ётоқхоналар, спорт заллари ва компьютер хоналари билан таъминланадилар. Шунингдек, мактабимизда ўқувчиларимизнинг дарсдан сўнг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун шахмат, дзюдо, қаратэ, таэквондо, армия қўл жанги, юрт посонлари касбини эгаллаш, ҳарбий дипломатия асослари каби тўгараклар фаолият юритади. Ўқувчиларимиз ўртасида турли мусобақалар, танловлар ҳамда байрам тадбирларини ўтказиб турамиз.

— Ўғлим отасининг орзусини рўёбга чиқариш ниятида ҳарбий мактабда таҳсил оляпти. Устоз-мураббийларининг ҳамда командирларининг ишончларини оқлаш учун ўз ўтида тинимиз сизлаяпти. У ёш қалбидан жўш ураётган орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун ҳозирданоқ ҳарақат киляпти. Ватанининг порлок келажаги учун хизмат қиласидан, уни турли ёвуз кучлардан химоя қила оладиган, сарҳадлари мустаҳкамлиги йўлида жон кўдирадиган фидойи ва жонкуяр фарзанд бўлишини орзу қиласман, — дейди Исмоилжон онаси Раъноҳон Исмоилов.

Ҳа, ҳалқининг фаровон ва тинч-осойишта кун кечиришига, мамлакатининг дахлизлигини таъминлашга, чегараларнинг мустаҳкам бўлишига хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи саналади. Мана шу масъулиятли йўлда Исмоилжон каби ёш ва шихоатли, мард ва жасур ўғлонларимизга омад ва баҳт тилаб қоламиз.

Шахина Жўраева, «Ma'rifat» мухбири



Муҳтарам  
Сайёра РАҲМАТУЛЛАЕВА

Биз Сизни фидойи бошлангич синф ўқитувчи сифатида қадрлаймиз. Сиз мурғак қалбларга меҳри улашиб, уларни севиб, ардоклаб ўқитиб келияпсиз. Жамоамиз доим ўқитувчи билан фахрланади ва кутлуг 50

Сиздек мөхир, меҳри дарё ёшингиз билан кутлайди.

Фарзандларингиз, шогирдларингиз даврасида соғ-саломат, узоқ умр кўриб кувониб яшанг. Оилангиздан файзу бара-ка, шодлик аrimасин.

Хурмат билан  
Тошкент туманидаги  
32-мактаб жамоаси.



Бугун биз ахборот олишда ва узатишида деярли муаммога дуч келмаймиз. Интернетдаги почтада хат бир неча сониялар ичиде жўнайди. Уали төлефон доимий ҳамроҳимиз. Бу эса бизга исталган вақт ва маконда мулоқот имконини беради. Инсониятнинг бу ютуқларга эришишида асос бўлган омиллар, шунингдек, ахборот-коммуникация, алоқа соҳасидаги босқичма-босқичлик жараёни билан танишмоқчимисиз? Илк почта манзиллари, алоқа турлари, биринчи телефон ва радио аппаратларини кўришинг хоҳлайсизми? Унда биз билан пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музеига ташриф буюргинг. Бу ерда сиз нафақат ҳордик оласиз, балки алоқа тарихи тўгрисида чукур билимга эга бўласиз.

## АЛОҚА ТАРИХИ МУЗЕЙИ: У ЕРДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Музейнинг асосий қисми ҳисобланган иккинчи қаватига кириб борар эканмиз, рўпарамиздаги алоқанинг шажара дарахтига кўзимиз тушди. Маёкли(тутунли) алоқадан рақамли алоқагача бўлган давр бир қаранганд жуда қисқа вақтдан иборатдай тюолади. Лекин бир қатор экспонатларни кўриб, у жуда катта, инсоният тарихидаги бурилиш даври бўлганига ишонч ҳосил қиласиз.

Одамзод Ер юзида пайдо бўлибди, мулоқотга, ахборот алмашинувига эҳтиёж сезади. Мулоқот эҳтиёжининг кучайиши оқибатидан замон ва жой билан ҳисоблашмайдиган алоқа усули — ёзув пайдо бўлган. Ёзув эса ўз навбатида хатнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Тарихий китоблардан маълумки, қадимда узоқ жойларга маҳсус ўргатилган кабутарлар орқали мактублар жўнатилган. Бу бизнинг замонамиз учун эртакдек тюолади. Бироқ хат жўнатиш катта муммо бўлганинги рост. Музейдаги биринчи почта йўналишининг харитасида Буюк Ипак Йўли бўйлаб ташкил этилган алоқа тармоғи чизиб берилган. XVII асрда хатнинг мухимлиги ва ким томонидан жўнатилаётганига қараб от-арава, пиёда ёки савдо карвонлари орқали етказиб берилган. XVIII асрда келиб почта алмашинулари кичик мустақил мулклар ва бекликларга чегаралар бўйича от-аравада ва пиёда амалга оширилганлиги юқоридаги харитада ўз аксини топган.

Шу ўринда буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳукмронлиги даврида почта тизими янада такомиллашганлиги алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўша даврда маёкли алоқанинг ривожланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Музейда берилган Қарши-Ботош ҳамда Қарши-Хонобод

йўли қошида сақланиб қолган ахборот узатиш тепаликлари суратлари, ўша қалъалардаги хабарлашув нуқталарини ўзида акс эттирган макет бунга мисолидир. Демакки, ўзбек почта хизмати анча узоқ тарихга эга. Маълумотларга кўра Марказий Осиёда почтага Тошкент яқинидаги Ниёзбек қалъаси ва Чимкент ўртасидаги алоқа тармоғининг йўлга кўйилиши билан асос солинган дейиларди. 1865 йилнинг августида Тошкентда биринчи почта станцияси очилган. Лекин музейдаги экспонатлар Ўрта Осиё худудидаги почтанинг узоқ муддатли тарихини исботлари билан «гапириб беради».

Шунингдек, биринчи почта хизматисидан тортиб, ҳозирги кундаги почта ходимлари ҳам ўз хизмат кийимларида кўз олдингизда намоён бўлади. Илк хат ташувчилар дарвеш-



сифат, ҳимоясиз пиёда сифатида кўринган бўлса, кейинроқ от-аравали ўз ҳимоячиларига эга бўлган ходимлар уларнинг ўрнини эгаллашади. XX асрда почта ходимлари ўзларининг бежирим либос ва сумкалари билан машҳур эди.



Ҳозирги алоқа хизматчиларининг ҳам ўз кийими, кийиниш услуги, ўзига хос иш жойи бор. Бу масканда шу ва яна кўплаб кўргазмалар билан танишиб чиқишингиз мумкин. Почта биноларининг олдинги ва сўнгги пайтлардаги ҳолатларининг суратларини томоша қилар экансиз, вақт ва эътиборнинг биноларга таъсирини кўргандай бўласиз.


Музейда алоқа оламига таалуқли бўлган «O'zbekiston pochtasi», UZINFO.COM, UNICON.UZ, ALSKOM, ALOQABANK, Матбуот тарқатувчи, «ХАВАР» газетаси, МТС, БИЛАЙН, Тошкент ахборот технологиялари университети каби бир қатор ташкилотлар ва компанияларнинг ўз бурчаклари бор.

Стендларда жўнатилган

лаши мумкинлиги ҳар иккала ҳолатни солишириб хулоса чиқаришга имкон беради.

А.С.Попов электро-магнит тўлқинлар кукуни асосида яратган электр сигналларини симсиз узатувчи ва уни қабул қилувчи ускуна (приёмник)нинг нусхаси ҳам бу масканинг қизиқарли экспонатларидан биридир.

Вақт кишилар ҳоҳишига бўйсунмайди. Кечаги кунимиз бугун тарих. Факат ундан хатлар ва яқин инсонларимизнинг жўнатмалари хотира сифатида қолгандай тюолади. Шундай фикрлашга сабаб бўлувчи Борис Голендер коллекцияси музейнинг яна бир аҳамияти бурчакларидан биридир. Почта маркалари, қадимий Тошкент кўчалари акс этган тасвиirlar, сақланиб қолган хатлар ва илк хат қопламалари нафақат қизиқиши ўйғотади, балки тарих тўгрисида ҳам маълумот беради.



Музейнинг ичкариогига кирада экансиз, антика буюнга кўзингиз тушади. Бу «Луна-24» автоматик фазовий станциясининг Ой таркибидан наомуна олуви орбитал кўнубчи модулининг макети бўлиб, унинг эҳтиёт қисмлари Тош-

ракамли) алоқадир. Улар билан ҳам музейдаги шу соҳага оид адабиётлар орқали танишиб чиқишингиз мумкин. Қолаверса, телеграф ва почта соҳасининг илк низомлари, ҳозирги кундаги меъёрий хужжатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу борадаги қонунчилик билан танишиб чиқиш имконини беради.

Қизиқарли экспонатлардан яна бири телевизор намуналаридир. 1928 йилда Б.Грабовский ва И.Белянскийларнинг «радиотелефон»ни ва ундан кейинги йилларда яратилган «KVN-49», «Foton», «Zenit» ва рақамли замонавий телевизорлар билан танишида битта экспонат эътиборингизни тортади. Бу экранни кичик бўлган биринчи телевизор намунаси. Унинг экрани олдига сув тўлдирилган маҳсус мослама кўйилган бўлиб, мослама тасвири катлаштиришга хизмат қиласи.

Музейда давлат жўнатмалири, қимматбаҳо қофозлар ва буюнларни эгаларига етказиб бериш билан шугулланувчи фелдегерлик хизматини оммага кенгроқ танишируви буюнлар ҳам намойиш қилинган. Самарқандда ишлаб чиқарилган қофозлар ҳам эътибордан четда қолмайди.

Сўнгги сўз ўринда шуни айтиси ўтиши ҳоҳлардикки, Алоқа тарихи музей зиё масканидир. У ҳар бир ташриф буюрувчидаги катта таассурот қолдиришига шубҳа йўқ. Болаларга соҳа тарихини гапириб беришдан ташқари жонли мисоллар билан кўрсатиб берилса, эса қолиши осон бўлади. Демак, Алоқа тарихи музейига марҳамат!

**Санобар ЖУМАНОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**  
олган суратлар.